



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 11 декабрь, № 242 (5916)

Чоршанба

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ Жорий йил Ангрэн шахрида Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Бу эса ҳудудда 1 миллиард 800 миллион сўмликдан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш имконини берди. Хусусан, "Ангрэнгазмаш" масъулияти чекланган жамиятида рўйбга чиқарилган худди шундай лойиҳа натижасида замонавий иссиқлик қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Корхона мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари туфайли тайёр маҳсулотда маҳаллий хом ашёнинг улуши 85 фоизга етказилгани ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини мақбуллаштириш имконини яратмоқда. Жамоа қисқа фурсатда бундай молмалардан 600 донасини тайёрлади.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Урганч шахридаги "Жайхун Хоразм савдо" масъулияти чекланган жамиятида тadbirkor Хусанбой Бекчанов саъй-ҳаракати билан полиэтилен ва техник резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тadbirkorнинг янги маҳсулоти

Бунинг учун 500 миллион сўм эвазига замонавий ускуналар ўрнатилди. Айни пайтда 23 киши меҳнат қилаётган корхонада уч турдаги маҳсулот тайёрланапти.

ганимиз боис унинг таннархи турдошларига нисбатан бирмунча арзон ҳамда сифатли, — дейди Хусанбой Бекчанов. — Келгусида қайта ишлаш тармоғини янада кенгайтириш ниятидамиз.

— Маҳсулотларимизни, асосан, иккиламчи хом ашёдан ишлаб чиқараёт-

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тайлоқ туманида 2006 йилда ташкил этилган "Сийёб Шавкат Орз" фермер хўжалиги қисқа муддатда фаолият тармоқларини кенгайтиришга эришди.

Буюртмалар кўпаймоқда

Ҳозир бу ерда 500 гектарга яқин ер майдонида, асосан, сазавот етиштирилиб, хўжалик тасарруфидоги цехларда қайта ишланган, томат пастаси ва консерва ҳолида экспорт қилинапти. Бундан ташқари, унинг қорвақили мажмуида Германия ва Польшадан келтирилган мингга яқин зотли қорамоллар парваришланиб, кунига 10 тоннадан ортқ сўт олинапти. Тез орада хўжаликда бўш ва сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган яна бир технологик линия ишга туширилиши кўзда тутилган.

Мамадийр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Китоб туманида тикувчилик йўналишида умумий қиймати 285 минг АҚШ долларига тенг 2 та лойиҳа рўйбга чиқарилди.

Корхонанинг истиқболли режаси

"Китоб ип йигирув" очик акциядорлик жамияти ҳамда "Атланта Сити" хусусий корхонасида амалга оширилган мазкур лойиҳаларнинг йиллик қуввати 118 минг дона маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган.

"Китоб ип йигирув" ОАЖ раиси Фахриддин Азизов. — Зарур мато ва газла-маларни Қаршидаги "Cotton Road" кўша корхонасидан олаёلمиз. Дастлабки босқичда 60 кишилик жамоамиз билан 10 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаёلمиз. Тўлиқ қувватга эришишимиз билан ишчиларимиз сони 100 нафарга етади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация:

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Сурхон замини хазиналарга бой. Хусусан, воҳадан қазиб олинаётган "қора олтин" нафақат ёнилғи материаллари, балки йўл қурилиши маҳсулотлари ҳамда битум тайёрлашда кенг қўлланилиши билан ажралиб туради.

■ ИЗЛАНИШ

Нефть конларини излаб топилган Кумқўрғон туманидаги "Сурхон пармалаш ишлари" очик акциядорлик жамияти ишчи-мутахассисларининг хизмати катта. Айни пайтда улар вилоятдаги Миршоди, Оқжарсой, Шимолий Шўртан, Ховдак, Лалмикор, Коштар, Янги Қоратепа, Чунагар, Сайхон қудуқларида излов-қидирув ишларини амалга оширишяпти. Жумладан, жамоа саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 28 миллиард 606 миллион сўмлик иш бажарилди. Бу, ўз навбатида, корхонага 367 миллион сўм соф фойда келтирди.

Ҳақиқатан ҳам, "Сурхон пармалаш ишлари" ОАЖ — вилоятдаги йирик корхоналардан бири. Ҳозир бу ерда салкам 400 нафар муҳандис-техник ходим ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Улар орасида янгиликка интилувчан мутахассислар кўплиги, айниқса, диққатга ладиган барит ёки гематит хом ашёси ўрнини босувчи оқалин муҳандис Худойберди ўринов-



нинг кўп йиллик изланишлари натижасида бурғилаш эритмасини тайёрлашда фойдаланиладиган барит ёки гематит хом ашёси ўрнини босувчи оқалин моддаси ихтиро қилинди. Ба-

рит ва гематит хом ашёсининг бир тоннаси 300 АҚШ доллари миқдориди баҳоланишини ҳисобга олсак, кашф этилган ушбу модда эвазига корхона йилига 100-110 миллион сўмни

тежаб қолиши аён бўлади. Албатта, илғор технологиялар — муваффақият омили. Буни ҳисобга олган корхона жамоаси мавжуд ускуна ва дастгоҳларни модернизация

қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Пировардида пармалаш ишлари сифати ҳамда унумдорлик ошиб бораёпти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳаётга татбиқ этилиши жараёнлари БМТ расмий ҳужжати сифатида

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — муваффақиятлар ва натижалар" мавзусидаги ахборот материали БМТ Бош ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

■ БИЗ ВА ЖАҲОН

Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислоҳот Каримов ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, одил судловнинг самардорлиги ҳамда сифатини ошириш бўйича тарихий аҳамиятга молик ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Уларнинг замирида жамиятда тинч-

лик ва барқарорликни сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этиш сингари олижаноб мақсадлар мужассамдир.

Ахборот материалида таъкидланганидек, мамлакатимиз Конституцияси ва қонунчилиги Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларнинг мустақкам ҳуқуқий кафолатини таъминламоқдаки, уларда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган

меъёр ва тамойиллари ўзининг ёрқин ифодасини толган. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим халқаро шартномалари ҳамда етмишдан зиёд ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисоблангани ҳолда, ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан тақдим этилган Универсал даврий шарҳлар юзасидан тавсияларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Миллий ҳаракат режаси муваффақиятли рўйбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Оила кўрғонининг бахти

Аҳоли саломатлиги — юрт тараққиётини белгиловчи муҳим мезон. Шўқрки, биз иқтисодиёт билан уйғун ҳолда ижтимоий соҳада ҳам ана шу ўлчовлар бўйича юқори поғоналарни эгаллаб бораёلمиз.

■ МАСЪУЛИЯТ

Буни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан 2014 йилга "Соғлом бола йили" деб ном берилганида яна бир бор ҳис этдик.

Бугун болалар саломатлигини сақлаш ва соғлом авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами

ниҳоятда кенг. Келинг, буни биргина, ўзим фаолият юритаётган тиббиёт муассасасидаги ўзгаришлар мисолида айтий. Мустақиллик йилларида шифохонамиз вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказига айлантирилди. Биномиз янгиланди. Бу ерга энг илғор даволаш ва ташхис ускуналари келтирилди. Бинобарин, маскан қошида маслаҳат-диагностика маркази

очилди. Қисқаси, болалар саломатлигини сақлаш тизими такомиллаштирилди. Қолаверса, вилоятимизда иш бошлаган перинатал ва скрининг марказлари аҳолининг мушқулсини осон қилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни айтмасизми?! Улар туфайли бугун ҳар бир она ва бола саломатлиги доимий назоратда. Ҳали туғилмаган чақалоққа, бўлажак оналарга бўлган эътибор-чи?! Шифокорларимиз хонадонма-хонадон юриб соғлом турмуш тарзини тарғиб қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

■ МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислоҳот Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Обод турмуш йили яқунлари ҳақида фикр билдирди, эришилган натижа ва муваффақиятларни чуқур таҳлил қилиб, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Бугун мамлакатимиз Президентининг маърузаси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларида муҳокама қилинмоқда.

Келажагимиз асоси

П. РЕЙМОВ,
Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси бизни ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини танқидий нуқтаи назардан қайта мушоҳада қилиб кўриш ва таҳлил қилишга, бугунги ҳамда эртанги куннинг долзарб вазифаларини аниқлашга ундайди. Шак-шубҳасиз, бугун сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш, нафақат депутатлар, фракция аъзоларининг, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги барча депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш лозим. Партия ташкилотлари жойларда депутатлар билан узвий ҳамкорликни мус-

тақамлаш, электорат ва аҳолини ўйлантираётган долзарб муаммоларни халқ қилишга кўмаклашиши зарур.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, тadbirkorлар ва фермерларга ўз фаолиятини юритиши учун сунъий тўсиқлар яратилишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва дастурлар қайта чиқиши ҳамда қабул қилиниши бўйича янада кўпроқ ташаббус кўрсатиш ҳам жуда муҳимдир. Бугун давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустақкамлаш, керак бўлганда, махсус қонунлари қабул қилиш зарурати юзага келди. Бунда, фракция аъзоларининг, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги барча депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш лозим. Партия ташкилотлари жойларда депутатлар билан узвий ҳамкорликни мус-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси эртага — 2013 йил 12 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2013 йил 11 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида Ўзбекистонимиз иқтисодиёти

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

4,1 баробар ўсди.

Агар мамлакатимиз аҳолиси шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан 3 баробардан зиёд ўсиш таъминлангани бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиз, мислсиз ўзгаришларга эришганимиздан яққол далолат беради.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Грецияда ноябрь ойида истеъмол моллари харид қилиш ҳажми 1960 йилдан буён биринчи марта 2,9 фоиз пасайди.

Кескин пасайиш



Изоҳланишича, бу олти йилдан бери мамлакатда давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз асоратлари билан боғлиқ. Чунки ҳукумат халқаро кредитларнинг талабларини бажариш учун давлат секторидagi хизматчлари сонини камайтириш баробарида, уларнинг маошларини ҳам қисқартирмакда. Натижада аҳолининг истеъмол қобилияти тушиб кетаяпти.

Шунга қарамай, Греция расмийлари мамлакат иқтисодиёти келгуси йилда инқироздан чиқишига ишонмоқда. Чунки айти пайтда маҳаллий компанияларнинг экспорт кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

Иш ўринларини қисқартиради

Европанинг аэрокосмик саноатида фаолият олиб борувчи "EADS" концерни мавжуд иш ўринларини 5800 тага қисқартиради.



"Европанинг аэрокосмик саноатида фаолият олиб борувчи "EADS" концерни мавжуд иш ўринларини 5800 тага қисқартиради.

штат жадвалига киритилган ушбу ўзгариш корхонанинг Германия, Франция, Испания ва Буюк Британиядаги бўлимларида амалга оширилади. Бундан ташқари, Мюнхендаги филиал ёпилиши мумкин. "EADS" концерни бу ислохотлар орқали яқин икки йил ичида 500 миллион евро миқдоридagi маблагни тежаб қолмоқчи.

Авиакомпаниялар бирлашди


АҚШнинг икки авиакомпанияси — "American Airlines" ва "US Airways" бирлашди. Энди у "American Airlines" номи остида фаолият олиб боради.

Мазкур авиакомпанияларнинг бирлашиши ҳақидаги хабарлар икки йил олдин оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган. Ушундан банкотликка юз тутган "American Airlines" активларини "US Airways" сотиб олиши маълум қилинган. Аммо АҚШнинг монополияга қарши ташкилоти бу келишувга қарши чиқди. Чунки бирлашган авиакомпания мамлакатдаги баъзи аэропортлардан фойдаланмаслигини билдирган.

Манбага кўра, янги ташкил этилган "American Airlines" авиакомпанияси кунга дунёнинг эликдан ортиқ мамлакатга 330 рейсни амалга оширади.

Марсда ҳаёт бўлганми?

Марсда қачонлардир ҳаёт бўлган. Бундай фаразни америкалик олимлар "Curiosity" фазо аппарати орқали олиган маълумотларни ўрганиб, илгари суришмоқда.



Уларнинг фикрича, "Қизил сайёра"да аниқ-

ланган Гейл вулкони ўрнида тахминан 3,5 миллиард йил аввал кўл мавжуд бўлган. Бу жойдан эса углерод, водород, кислород, азот ва олтингугурт каби элементлар аниқланган. Мазкур унсурлар кўлда қачонлардир ҳаёт бўлганидан дарак беради.

Сотувга қўйилди

Испаниянинг Сьюдад-Реаль шаҳридаги аэропорт сотувга қўйилди.



Ушбу хизмат кўрсатиш иншооти 2008 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, унинг қурилишига бир миллиард евро миқдорда маблағ сарфланган. Аммо аэропортда ишлар умуман юришмади. Масалан, деярли икки йилдан бери у бирорта самолётни қабул қилмаган. Шу боис мутасаддилар аэропортни 100 миллион еврога сотиб юборишга қарор қилишган.

Тўқнашув оқибати

Индонезияда йўловчи поезда ва юк машинаси тўқнашиб кетган. Оқибатда етти киши ҳаётдан қўз юган, йигирма нафардан зиёд одам тан жароҳати олган.

Тўқнашув натижасида поезднинг иккита вағони изидан чиқиб кетган ва уларда ёнгин юз берган. Бу эса кўплаб йўловчиларнинг қуйишига сабаб бўлди. Фалокат юк машинасининг поезд келаётган йўлга чиқиб қолгани туфайли юз бергани айтилмоқда.

Воқеа юзасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари суриштирув олиб бормоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кичик бизнес субъектлари ўзларининг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишда тижорат банкларининг молиявий кўмагидан тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар.

Имтиёзли кредитлар натижаси

Наманган туманидаги "Ислом Маъруф" фазоли сервис хусусий корхонаси ҳам молия муассасасининг имтиёзли кредити ёрдамида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Чунончи, мазкур мақсадда тайёрланган бизнес лойиҳа ижроси учун сарфланган 431 миллион сўмлик сармом эвазига бу ерда йилга 350 минг донадан зиёд маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди. Бунинг натижасида 20 та иш ўрни яратилди. Эйтибор-

ли жиҳати, бу ерда тикилаётган трикотаж маҳсулотлари учун зарур бўлган газлама ҳам шу жойнинг ўзида тўқилаётди. Жорий йилнинг ўн ойи давомида туманда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжуд корхоналарни модернизациялаш учун 11 лойиҳа амалга оширилиб, бунга 3 миллион 266 минг АҚШ долларига тенг инвестиция йўналтирилди.

Наманган томонларда

Саноат тармоғининг бўш турган ёрдамчи биноларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ижроси Тўрақўрғон туманидаги "Асадбек Зебо" хусусий корхонасига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган йирик мажмуа барпо этиш имконини берди.

Кўп ўтмай, тадбиркорлик жамоаси бу ерда тўй ва маросимлар зали, чойхона ҳамда мебель тайёрлаш цехини ишга туширди. — Лойиҳани амалга

ошириш учун 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфладик, — дейди корхона раҳбари А. Абдуллаев. — Пировардида 20 нафардан зиёд ҳамқишлоқларимиз учун иш ўринлари вужудга келди. Айти пайтда

Шаҳанд қишлоғи аҳолиси бу ерда тўй ва бошқа тантанали маросимларни ўтказишга япти. Бундан ташқари, мебелсолар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Дурадгор усталаримиз кейинги уч ой ичида буюртмачиларга 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб беришди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазказибчиқариш» акциядорлик компанияси
ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги ускунани сотиб олиш бўйича 13/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.

Лот сони	Номи	Миқдори
Лот № 1	Пахта толасидан калава ип ишлаб чиқарувчи ускуна	1 тўплам

Тендер таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Ускунанинг баҳоси қуйида кўрсатилган нархдан ошмаслиги лозим:

- Twin disk технология бўйича — 4 411 013 евро;
- ротор технологияси бўйича — 3 472 500 евро.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўрғони. Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.
 Электрон почта: tender@sgcc.uz Web-site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

О'ZBEKISTON
 have yo'llari

ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ
 ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ
 ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

+99871 140-02-00
 www.uzairways.com

Сертификат № СЭ1-О

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

www.canon.uz

Canon

СЕМЕЙСТВО ЛАЗЕРНЫХ УСТРОЙСТВ I-SENSYS

монохромные принтеры LBP6020B МФУ MF3010 МФУ MF4410

МФУ серий 47xx и 48xx факсы L150/L170 цветные принтеры LBP5050

Товар сертифицирован

ООО «INFO SEMANTIK» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 165, 2-й этаж. Ориентир — вдоль бывшего Софийского проспекта. Web: www.infosemantik.uz
 E-mail: info@infosemantik.uz, infosemantik@inbox.ru
 Тел.: (+998 71) 228-04-04, 228-15-05, 228-15-04, 248-35-50.
 Филиал: (+998 71) 248-88-77, 248-48-19.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 10 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	2000,61	1 Россия рубин	66,68
1 Англия фунт стерлинги	3590,12	1 Украина гривнаси	274,90
1 Дания кронаси	403,61	1 Малайзия рингити	682,59
1 БАА дирҳами	598,24	1 Польша злотийси	719,71
1 АҚШ доллари	2197,27	1 СДР	3380,04
1 Миср фунти	319,05	1 Туркия лираси	1086,63
1 Исландия кронаси	18,63	1 Швейцария франки	2462,20
1 Канада доллари	2063,94	1 евро	2982,03
1 Хитой юани	361,86	10 Жанубий Корея вони	20,86
		1 Япония йенаси	213,53

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Реклама ва эълонлар

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Очиқ танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки бошқарувининг 2012 йил 6 сентябрдаги 67/2-сонли қарорига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Қорасув (Собик Лисунов) кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1950,0 кв.м. бўлган, 3 қаватли ва ертўлали кинотеатр биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 472 385 707 сўм.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 10 январь куни соат 18.00. Танлов таклифлари такдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2014 йил 14 январь куни 12.00 да «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ мажлислар залида амалга оширилади (таклифлар келиб тушмаган тақдирда савдолар 2014 йил 21, 28 январь ва 4, 11 февраль кунлари соат 12.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга таклифлар қабул қилиш мuddати: 21 январьдаги савдо учун — 17 январь, 28 январьдаги савдо учун — 24 январь, 4 февралдаги савдо учун — 31 январь, 11 февралдаги савдо учун — 7 февраль кунлари соат 18.00).

Объектни очиқ танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

- мулкни энг юқори нархда сотиб олишни таклиф этиш;
- тўловни энг қисқа мuddатда амалга ошириш;
- амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра фаолият турини 5 (беш) йил мuddатгача сақлаб қолиш.

Савдо ғолибига мулкни гаровга олиш шарти билан унинг умумий сотиш қийматининг 50 фоизгача бўлган тўловлар учун имтиёзли фоиз ставкаси билан 3 йил мuddатга кредит олиш ҳуқуқи берилади. Қолган тўловлар савдо ғолибининг пул маблағлари ҳисобидан 1 йил мuddатга ойларга тенг бўлинган ҳолда бўлиб-бўлиб амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖга такдим қилади ва закатат тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги закатат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади. Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига оладилар.

Савдода қатнашиш учун буюртманома билан биргаликда қуйидагилар такдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома такдим этилиши лозим. Таклифларни очиб вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган савдодорлар ёки уларнинг ваколатли вақиллари қатнашишлари мумкин. Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади. Икки нусхада такдим этилган ҳужжатлар конвертга солиниб, елимланган бўлиши ва ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Танлов савдоларини ўтказиш ва ҳужжатларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти жамоаси катта илмий ходим Хуршед Асадовга волидаи муҳтарамаси
Музаффа БОБОВЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — МАМЛАКАТДА ОЛИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ»

Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Асрухин «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Конституциясининг юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

ЭЪТИРОФ

Индонезиялик дипломатнинг билдиришича, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни демократик давлат қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдек олий мақсадларга эришишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

«Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлидаги муваффақиятларига Конституциянинг меъёр ва тамойилларига сўзсиз амал қилиниши тўғрисида эришилди», деди у.

М. Асрухиннинг сўзларига қараганда, мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одати ва анъа-

наларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг барқарорлиги боис Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан эътиқодларо бағрикенглик ва элатлараро уйғунлик юрти сифатида эътироф этилмоқда. «Ушбу муваффақиятларнинг асоси республикада ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, фуқаролараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳитидир», дея таъкидлади Индонезия элчиси.

Индонезия дипломатия миссияси раҳбари халқнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, демократик кадриятлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланган фуқаролик институтларининг тараққиёти масаласига ҳам тўхтади. М. Асрухин қайд этганидек, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши сингари асосий омиллар Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида у фуқаролар ва нодавлат тузилмаларнинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш орқали жамият ҳаётини либераллаштиришни тилга олди.

Сўхбат якунида М. Асрухин Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон ахлини Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан самимий табриклаб, ўзининг энг эзгу тилақларини изҳор этди. «Мен бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш, Индонезия ва Ўзбекистон халқларининг фаровон келажаги йўлида икки мамлакатнинг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларимни аямайман», деди у.

«Жаҳон» АА.

МЕРОС

Гулистон шаҳридаги «Мирзачўлини ўзлаштириш тарихи» музейида воҳа ўтмишини акс эттирувчи кўرғазма ташкил қилинди.

Тарихдан сўзловчи кўрғазма

Эътиборлиси, олиб борилган тадқиқотлар ва бу ерда намойиш этилаётган янги экспонатлар чўл бағрида эрамизнинг III-IV асрларида ҳам одамлар истиқомат қилганлигидан гувоҳлик беради. Хусусан воҳа ҳудудидан шу даврга оид топилган сопол идишлар бунга мисолдир. Кўрғазмадан 100 дан зиёд осориюқлар ўрин олган. Улар орасида мис ҳамда темирдан ишланган идишлар, деҳқончилик ва тўқувчилик асбоблари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар бор.

Шунингдек, мазкур кўрғазма доирасидаги, Мирзачўлнинг ўзига хос табиати, наботот ва ҳайвонот оламига бағишланган бўлим ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ меҳнат жамоаси

барча юртдошларимизни
Ўзбекистон

Конституциясининг

21 йиллиги

билан муборакбод этади!

Озод ва обод юртимизнинг
меҳнатсевар халқига тинчлик,
омонлик, хонадонларига қут-барака,
эзгу ва хайрли ишларида
омад тилайди!

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Ўздавнефтгазинспекция»
жамоаси
диёримиз аҳлини Ўзбекистонимизнинг
Асосий Қонуни —
Конституция
қабул қилинган кун билан
табриклайди!
Барчангизга юртимиз мустақиллигини
янада мустаҳкамлаш йўлидаги
фаолиятингизда зафарлар ёр бўлсин!

Республика аҳолиси диққатига!
«JUN LONG INDUSTRIAL»
масъулияти чекланган жамияти шаклидаги
хорижий ишлаб чиқариш корхонаси
табиий Ангрен кўмири кукунидан тайёрланган
кам аралашмалари ва сифатли, юқори иситиш
қувватига эга, махсус технология
асосида корхонада ишлаб чиқарилган

кўмир брикетларини
ҳамда
сув билан
иситиш
печларини
таклиф қилади.

Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти,
«Ангрен» махсус индустриал зонаси.
Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25,
(+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73.
e-mail: jlangren@mail.ru

«Қибрай»
клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими
касалликларини даволаш бўйича
мамлакатимиздаги етакчи
ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий
тоифали кардиолог, невропатолог,
пульмонолог ва бошқа етуқ
мутахассислар тиббиётнинг
энг илғор усуллари асосида
беморларни даволайдилар.

Сўхатгоҳда фитобар,
теннис корти ва яна кўплаб
қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший
электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез
таомларни ўз ичига олган
таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони.
Метронинг «Буюк Ипақ йўли» бекатидан 101-автобус
ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

БИЛДИРИШ
«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 15 ноябрдаги
224-сонидан эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Сергели
тумани, Обиҳаёт кўчаси, 1-ўйда жойлашган кўчмас
мулкларнинг аукцион савдоси Сергели тумани суд
ижроичлари бўлимининг 2013 йил 7 декабрдаги хатига
асосан, қуйидаги тартибда мулквий мажмуа сифатида
сотилишини маълум қиламиз:

1-мулквий мажмуа: Блок Ф, Блок У, Блок Ч3, Блок Э,
Блок Ц, Блок С, Блок Р, Блок П, Блок П1, Блок П2, Блок Р1,
Блок Н, Блок З, Блок Т, Блок Т1, Блок Т2, Блок Т3.

2-мулквий мажмуа: Блок А, Блок А1, Блок А2, Блок
А3, Блок О, Блок В, Блок Х, Блок Г, Блок Д, Блок Ю1, Блок
Ю3, Блок К, Блок Е, Блок Ж, Блок Ж1, Блок Ш, Блок М.

«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.